


2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2025-YIL, MAY,
№ 10-11 (544-545)

BUKHORO YOSHILARI



- Бўш иш ўринлари билан қизиқаётган бўлсангиз, марҳамат, бизнинг ташкилот айни дамда бош мутахассисга, ёрдамчига, техник ходим ҳамда операторга талабдор. Ойлик маошлар 1,7 миллиондан 4 миллионгача. Иш кўрсаткичига қараб, моддий рағбатлантиришлар ҳам кўзда тутилган!-дея ташкилот раҳбари ўринбосари олийгоҳни тугатиб келган ёшларни бўш иш ўринлари билан таништирди.

ДИПЛОМ БОРУ, ИШ ЙЎҚ...ми?!

- Бизда магистратура дипломи бор: бош мутахассисга ёрдамчи эмас, бош мутахассислик керак. Бундан ташқари, биз техник ходимлик ёки операторлик учун ўқимаганмиз!-“чўрт” кесди бир йигит.

- Менга бу иш тўғри келмайди. Менга ўтириб ишлайдиган, “столлик” иш керак!-иккинчи йигит жавоб ҳам кутмай, эшикни “тарс” ёпиб чиқиб кетди.

Ташкилот ўринбосари йигитнинг ортидан ўйчан текилиб қолди. Ва қолганларига қараб:

- Аммо... ҳали соҳангиз бўйича тўла тажрибага эга эмассиз. Аста-секин тажрибангиз ошган сари лавозингиз ҳам, маошингиз ҳам, ўзингиз истагандек “стол”лик ҳам бўласиз!-деди.

- Бе-е, тажрибамизни оширарканмиз, деб умрни ўтказарканмиз-да! Яхшиси, мен четга “учаман”!-деди кейинги йигитлардан бири.

Дарҳақиқат, бугун олийгоҳни тугатиб, тажрибаси етарли бўлмай туриб, мансаб курсисини эгаллашга иштиёқманд дипломли ишсизлар талай. Балки, уларнинг турли ташкилот, идоралардан иш сўраб, етмаганига талаб қўйишгаётгани ўзлари учун ҳақли қоидадир. Аммо...

2024 йил май ойидаги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 414 минг ўқувчи мактабни тугатган. Шундан 22 900 нафари Бухоро вилояти битирувчилари. Олий таълимни тамомлаганлар сони эса республика бўйича 214 минг нафардан иборат. Шу қатори ҳар йили минглаб ёшлар олийгоҳни битириб, қўлларига диплом олади. Битирувдан кейинги ҳаётда уларни имтиҳонлар, илмий ишлар ёки давлат

аттестацияси эмас, балки ишсизлик синашни бошлайди. **Тахминларга кўра, ҳар тўртинчи ёш ишсиз. Аммо бу шунчаки рақам эмас - бу ҳар ёш тўртинчи орсизнинг устидан чиқиқ тортади, деганидир.**

Аксарият ота-оналар фарзандини ўқитиш учун қишлоқдаги ерини сотади, кредит расмийлаштиради, ҳатто, қарз олишга ҳам мажбур бўлади. Аммо, 4 йилдан кейин фарзанд диплом билан иш қидириб, эшиқдан эшикка юради. Шунда савол пайдо бўлади: диплом талаб қиладиган ишлар борми ўзи? Бироқ, ёшлар ҳам юқоридаги сингари иш “танлаётган”. Масалан, иш жойининг нуфузига қарайди, маошига эътибор берадиган. Улар учун ҳуқуқшунос, иқтисодчи, таржимонлик қилиш “нуфузли” туолади. Натижада юзлаб юксак балл билан топширган битирувчилар – ишсиз мутахассислар “етишиб” чиқяпти.

Иш ҳақидаги реал ҳолатни ўрганиш муҳим: аввало, ёшлар амалий кўникмани ошириши ва ўзини ривожлантириши керак. Чунки, йирик ташкилотлар ишга қабул пайтида кўпинча тажриба талаб қиладиган. Бироқ, янги битирган ёш қаердан тажриба олсин? Бу — илм, изланиш, юксалишга тўсиқ бўлаётган энг катта муаммо.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”да ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи қафолатланган. Бундан ташқари, Президентнинг 2021 йил 27 майдаги “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва улар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”да ПҚ-5117-сон қарори билан ёшлар бандлигини ошириш, уларни касб-хунарга ўргатиш ва тад-

биркорликка йўналтириш вазифалари белгиланган. Шунингдек, 2022–2026 йиллардаги Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни муносиб иш билан таъминлаш устувор йўналишлардан бири сифатида қайд этилган. Шу каби қонунларда ёшларга иш бериш, касбий тайёргарлиқни кучайтириш ва давлат муассасаларида уларни иш билан таъминлаш бўйича кўплаб моддалар бор. Аммо, кўпгина ҳолларда битирувчилар “тажрибасизлик” сабабли рад этилади. “Ёш мутахассис” сифатида ишга жойлаштириш механизми эса қоғозда қолиб кетяпти. Шу билан бирга, таълим тизими ҳамда меҳнат бозори ўртасида ҳамкорлик етарлича эмас. Университетлар бозор талабига мос кадр тайёрлаши керак, деб ёзилган қарорларда, амалда эса дипломли ишсизлар сони охири борапти. **Меҳнат кодексига белгилаб қўйилган касбий “стажировка” институтини мажбурий тарзда жорий этиш механизминини кучайтириш аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўша олади.**

Хулоса қилиб айтганда, қонунлар бор, имкониятлар ҳам ёзилган. Аммо, қонунларни амалда татбиқ этиш ишлари янада кучайтирилса, ишсизлар сони камаёди. Ёшлар ўз юртида иш излашдан кўра, чет элга кетишни афзал кўришмайди. Бу эса, нафақат, ёшлар муаммоси, балки давлат учун ҳам стратегик хатарларнинг олдини олади. Зеро, ёшлар учун иш жойи яратиш – бу фақат ижтимоий масъулият эмас, балки келажакни сақлашдир.

Зулфи Зар

ЁШЛАР БАНКИ – ОРЗУЛАР САРИ ҚАДАМ

Бугунги кунда юртимиз ёшлари учун яратилаётган имкониятлар ҳар қачонгидан ҳам кенгроқ ва самаралироқ тус олмоқда. Уларни фақатгина бир “калит” билан очиш мумкин — бу эса ҳаракат, фидойилик ва мақсад сари интилишдир.

Шундай ташаббускор ёшлардан бири бухоролик Азизбек Шариповдир. У Президентнинг ПҚ-62-сонли қарорига асосан, Ёшлар банки орқали имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди. Олинган маблағ эвазига у ўзининг шахсий тиббиёт марказини ташкил этди.

Азизбекнинг тиббий маркази замонавий диагностика ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, аҳолига сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишга қаратилган. Шунингдек, янги иш ўринлари яратилди, ёш мутахассислар иш билан таъминланди ва бу орқали

худудда тиббий хизмат сифати сезиларли даражада яхшиланди.

Унинг мисолида кўриш мумкинки, давлат томонидан тақдим этилаётган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш орқали нафақат ўз орзуларини рўёбга чиқариш, балки жамиятга ҳам фойда келтириш мумкин.

Агар сизнинг ҳам ўз гоёнгиз, лойиҳангиз ва ишончингиз бўлса, имтиёзли кредит олиш орқали орзулар сари йўл очишингиз мумкин. Ариза топшириш учун қуйидаги ҳаволадан фойдаланинг: yoshtadbirkorlar.uz



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

“СОҒЛОМ АЁЛ - СОҒЛОМ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ”

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жамоавийлик руҳини мустаҳкамлаш ҳамда тизимдаги хотин-қизлар ўртасида дўстона муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида Бухоро вилояти Ёшлар ишлари бошқармаси ташаббуси билан навбатдаги спорт тадбири ташкил этилди.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Ушбу мусобақа “Бошқарма бошлиғи кубоги” номини олди ва волейбол спортини беллашувлари қизгин, мurosасиз тарзда кечди. Туман ва шаҳарлардаги ёшлар ишлари бўлимларида фаолият юритаётган хотин-қизлар иштирок этиб, ўзларининг спортга бўлган қизиқишларини, жамоавийлик қобилиятини намойён этишди.

Мусобақа, нафақат, соғломлаштириш, балки хотин-қизлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, яқин ҳамкорлик ва ижобий муҳитни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
2025 ЙИЛИНИНГ 1-ЧОРАГИ ДАВОМИДА МАҲАЛЛАДА ЁШЛАР СИЁСАТИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШДА
ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН ЕТАКЧИЛАРНИНГ “ТОР-100” РЕЙТИНГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Ушбу рейтинг Президентнинг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори-га асосан тузилиб, фаолияти самарадор бўлган, ёшлар орасида фаолликни оширишга хизмат қилаётган илғор раҳбарларни аниқлаш ва рағбатлантиришни мақсад қилган. Энг муҳими, рейтинг ҳар чорақда янгиланиб борилади.

Рейтингга кирган ёшлар етакчилари, нафақат, давлат дастурларини амалда жорий этмоқда, балки маҳаллаларда ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни ўқитиш, касб-хунар ўргатиш ва ижтимоий муаммоларини бартараф этиш бўйича ташаббускорлик намунасини кўрсатмоқда.

Маҳалладаги ёшлар етакчилари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бош мутахассис Шухрат Шомуродов бу борада шундай дейди:

“Ёшлар етакчиларининг “ТОР-100” рейтингидан жой олганлар – бу, нафақат, ютуқли фаолият кўрсатаётганлар, балки ёшлар билан ишлашда янгича бошқарув механизмларини жорий этаётган, муносабат ва изланишларнинг вертикал тизимини шакллантираётган илғор раҳбарлардир. Уларнинг меҳнати – Ватан тараққиёти йўлида қўйилган дадил қадам, Ўзбекистон ёшларининг дунё миқёсидаги овозидир”.

Ғиждувон тумани,
“Дегрезон” МФЙ:

Юсуфжон Асатов – “Лидерлик сари” лойиҳаси орқали 9 621 нафар ёшни жалб қилиб, 1,2 миллиондан ортиқ кўришлар билан оммавийлаштирган. “Ibrat” академияси асосида 259 нафар ёшга хорижий тил ўргатган, 86 нафарига тил сертификати олиб берган. 28 нафар ёш тадбиркорликни бошлаган, 32 нафар ёш иш билан таъминланган. 5 ташаббус олимпиадасида 1 063 нафар ёш қатнашган.



Жондор тумани,
“Қозоқон” МФЙ:

Раззоқ Рауфов – “Ёшлар дафтари” орқали 25 нафар ёш муаммосини ҳал қилган. “Ибрат” иловаси орқали 380, “Мутлола” орқали 115 нафар ёшни билимга жалб этган. Тикувчилик маркази очиб, 15 нафар ёшга хунар ўргатмоқда.



Пешку тумани, “Боғимусо” МФЙ:

Дилшод Ёриев – 22 нафар ёшга контракт, ўқув курси ва мактаб формаси бўйича ёрдам берган. 600 нафарга яқин ёшни лойиҳаларга жалб қилган. Конституциянинг 30 йиллиги эсдалик нишони соҳибидир.



Олот тумани, “Кесакли” МФЙ:

Хуршид Рўзиқулов – “Ёшлар дафтари” орқали 8 нафар ёшга ёрдам берган. “Ташаббусли бюджет” асосида ариқ қозиш ва бетонлаш лойиҳасини амалга ошириб, сув муаммосини бартараф этган.



Когон тумани,
“Б.Нақшбанд” МФЙ:

Озодбек Аминжонов – 8 нафар ёшга 34 сотих ер ажратилишига ёрдам берган. Имтиёзли кредитлар орқали иссиқхоналар ташкил этган. “Ибрат фарзандлари”, “Мутлола”, “UzChess” ва “Uztoz AI” каби лойиҳаларда 800 нафардан ортиқ ёшни жалб қилган.



Шофиркон тумани,
“Бобато” МФЙ:

Азиз Дониёров – ижтимоий ҳимояга муҳтож 4 нафар ёшга ёрдам кўрсатиб, 18 нафар ишсиз ёшни ишга жойлаштирган. “Ибрат фарзандлари” ва “Мутлола” лойиҳаларида 200 дан ортиқ ёш иштирок этган. Спорт тадбирларининг ташаббускори сифатида фаолият юритмоқда.



Бухоро шаҳар, “Отбозор” МФЙ:

Мустафо Исмаилов – ОАВда чиқишлари билан танилган. Спорт майдончалари ташкилоти ташаббускори. “Энг намунавий етакчи” ва “Маънавият тарғиботчиси” унвонлари соҳибидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу ёшлар – Янги Ўзбекистон пойдеворини мустаҳкамловчи фидойи авлоддир. Уларнинг ҳаракатлари нафақат ўзига, балки жамиятга, элга, келажакка хизмат қилмоқда.



ИШСИЗ ВА ОТАЛИҚҚА ОЛИНГАН ЁШЛАР БИЛАН ТИЗИМЛИ ИШЛАНДИ

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида, Республика ишчи гуруҳи томонидан Пешкў туманида жойига чиқиб ўрганиш ишлари олиб борилди. Бу ташаббус ишсиз ва оталиққа олинган ёшлар билан тизимли ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган.

Тадбир давомида, ишчи гуруҳ вакиллари тумандаги ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммолари ва эҳтиёжларини ўрганишди. Шунингдек, мавжуд имкониятлар, давлат томонидан тақдим этилаётган имтиёзлар ва дастурлар ҳақида маълумотлар берилди.

Бу каби ташаббуслар ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш ва келажакда мустақил ҳаётга тайёрлашда аҳамият касб этади.



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг.

ШОФИРКОНДА ДХХ КУБОГИ

Шофиркон туманида Давлат хавфсизлик хизмати кубоги учун мини футбол бўйича қизлар ўртасида мусобақаларга расмий старт берилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида спортчилар, мураббийлар ва маҳаллий ёшлар иштирок этди. Жамоалар ўзларининг спортга бўлган иштиёқи ва жамоавий руҳини намоён этишди. ДХХ кубоги учун баҳслар давомида спортчиларнинг интизоми, маҳорати ва ғалабага бўлган иштиёқи асосий мезон сифатида қаралмоқда.

Мусобақа ғолиблари кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритишди ва улар туман шарафини юқори босқичларда ҳимоя қилишади.



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг.



Май ойининг юракларни ҳаяжонга соладиган сабаби бор - бу мактаб битирувчилари учун ҳаётдаги янги саҳифанинг бошланишидир. Узоқ йиллар давомида дарсликлар билан дўстлашган, ўқитувчиларнинг панд-насиҳатларини қулоғида дурдай қадрлаган, синфдошлари билан қувонч ва қийинчиликларни бўлишган ёшларга энди катта ҳаёт эшик очмоқда.

МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИ, СИЗГА ОМАД!

Эй, азиз битирувчи! Бугун сен сўнгги марта мактаб зинасидан пастга тушаётгандирсан, аммо бу тушиш - янги марралар сари бошланаётган кўтарилишдир. Ўзингни топиш йўлида ҳали кўплаб изланишлар, имкониятлар, синовлар кутмоқда. Яхши кунлар ҳам, қийин дамлар ҳам бўлади. Аммо, ёдингда бўлсин - ҳар бир синов сени чиниктиради, ҳар бир муваффақият эса сенинг орзуларинг сари бир қадамдир. Мактаб - бу фақат билим даргоҳи эмас, бу - ҳаёт мактабининг илк босқичи. Бу ерда сен орзуларни расм қилган бўлсанг, энди уларни рўёбга чиқариш вақти етди. Энди сенинг қўлингда - келажакнинг

калити. Уни қандай эшикни очишда ишлатиш эса фақат сенга боғлиқ.

2025 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий ўрта таълим мактабларини тахминан 400 минг нафар ўқувчи битириши кутилмоқда. Бу кўрсаткич аввалги йиллардаги статистикага асосланади. Масалан, 2023-2024 ўқув йили бошида 11-синфда 414,6 минг нафар ўқувчи қайд этилган ва шундан 223,1 минг нафари қизлар, 191,5 минг нафари эса ўғил болалар эди. Бугунги кунда бу битирувчилар ўзи танлаган касб бўйича олий таълим муассасаларида, касб-хунар мактаб ва техникумларда таълим олмоқда.

Кадрли битирувчилар! Сизларга мустаҳкам ирода, катта орзулар, ҳеч қачон сўнмас ишонч ва бардавом омад тилаймиз. Ҳар бирингиз ота-онангиз, ўқитувчиларингиз ва юртимиз фахри бўлишга лойиқ ёшларсиз. Олдингизда турган барча эшиклар очиқ бўлсин, юрагингизда эса орзу ва ғайрат ҳеч қачон сўнмасин!

Дилрабо Тойирова,
Бухоро давлат Педагогика
институтининг
Мактабгача таълим кафедраси
ўқитувчиси.

Саҳифани “BYO” мухбири
Дилнавоз Тўхтаева тайёрлади

КАРИМ КАМОЛОВ ХОТИРАСИ

МАНГУ ЯШАЙДИ



2019 йилнинг ёзи эди. Бухородаги Ҳожа Имом Хафси Кабир Бухорий қабристониди кечаётган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ижтимоий тармоқларда турли ноўрин муҳокамаларга сабаб бўлган пайт. Бухоро шаҳар ҳокимининг ўша пайтдаги ўринбосари Асрор Ҳайитов кўнғироқ қилиб, шу қабристонга етиб келишимизни сўради.

Эрталаб соат 07:30 лар эди, чамаси. Шундоқ қабристон дарвозаси олдида Карим Камолов (Бухоро шаҳар ҳокими эди) узокларга термулган кўйи турарди. Туни билан ухламай, бедор чиққани шундоқ юз-кўзидан маълум.

- Келдингизми, журналист синглим (ҳар доим шундай мурожаат қиларди),-деди Карим Камолов илиққина саломлашувдан сўнг,- бу дейман, айрим ижтимоий тармоқлар шунча йиллик меҳнатингни ерга совиришни хуш кўради, шекилли. Мана, кўринг, танишинг, суриштиринг, ўрганинг, агар шу қабристонни ободонлаштиришда мажбурий меҳнат ёки қийин-қистовлар бўлган бўлса, очиқлантинг. Фақат адолат ва яна адолат кўзи билан қарашингизга ишонамиз. Агар биз тарқалаётган миш-мишларни ноўрин талқин қилаётган бўлсак, майли, мажбурий меҳнатга йўл қўйганларнинг қонуний жавобгарлигини таъминлаймиз...

Ҳар бир қабртош, ҳар бир ўтқазилган ниҳол ва ҳар бир экилган гулларга ўзгача нигоҳ билан разм солди ҳоким. Кафти билан гулларни, қабртошларни сийпаб-сийпаб қўйди.

- Мана, кўриб турибсиз, бу ерда ичидаги майит эгаси унутилган, ҳатто, яқинлари ҳам узок йиллар давомида хабар олмай

қўйган. Синиб, майдаланиб, атрофини тикану қамишлар босиб кетган қабртошлар жуда кўп. Халқнинг ўзи ризолик билан келиб, ўзининг сўнгги манзилни тозалашга, чаманзор қилишга ҳисса қўшса, бу мажбурий меҳнат саналармикин?-деди Карим Камолов бошини сарак-сарак қилиб, хўрсиниб қўйган кўйи.

Қабристон бўйлаб жим ва сокин одимладик. Шу куни Карим Камолов билан қабристонни ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган хайрли ишлар юзасидан узок суҳбатлашдик.

- Ахир ҳаммамизнинг ҳам сўнгги келар манзилимиз шу, тўғрими, журналист синглим! Ҳар биримиз қалб истагимиз билан қабристон ободлигига қарашмасак, бу Аллоҳга хуш келмас!-деди ҳоким ўшанда.

**ШУ ХАЛҚ
УЧУН, ШУ ЎЛКА УЧУН
ФИДО БЎЛИБ ЯШАГАН КАРИМ
КАМОЛОВНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ
ҲОЖА ИМОМ ХАФСИ КАБИР БУХОРИЙ
ҚАБРИСТОНИ БЎЛДИ. ЮРТ ОБОДЛИГИ
УЧУН ТЎККАН ТЕРИ ЖАННАТ
СУВИ БЎЛСИН, КАФТЛАРИГА
ИНГАН ТУПРОҚ ЧАМАН ОЧСИН,
ГЎРИНИ НУРЛАРГА
ТЎЛДИРСИН!**

Ҳа, бутун умр шаҳар ободлиги ва кўркамлиги учун жон куйдирди. Бухоро кўчаларидаги гулзорлардан битта гул барги тўкилса, ачинди. Дарахт ёки кўчат қуриганда, юраги оғриди. Меҳнати ва заҳмати сингган Бухоронинг пасту баланд деворларидан бир ғишт кўча, жони оғриди. Ҳар бир бўй чўзган иншоотда, янгидан қад ростлаётган биноларда кафтларининг тафти қолди. Изи қолди. Меҳри қолди.

“... Бухоронинг содиқ фарзанди, меҳрибон устоз, заҳматкаш ва камтарин инсон Карим Камоловнинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади“,-

дейилади Ўзбекистон Республикасининг Франция элчихонаси ҳамдардлик мактубида.

Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш, аҳоли турмушини яхшилаш учун ўзининг меҳнтини аямаган Карим Камолов Республикада ҳам алоҳида ҳурматга эга инсон эди. Ўзининг 40 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида улкан раҳбарлик қобилияти, инсоний фазилатлари ортидан халқ дуосини олди.

Карим Камолов Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини битирган. Меҳнат фаолиятининг илк йиллари қурилиш соҳаси билан боғлиқ. Жумладан, “Ўзагроқурилиш” бирлашмаси, “Ўзжамоақурилиш” бирлашмасида ишлаган. 1994-2007-йилларда Бухоро шаҳар ҳокими сифатида кўплаб бунёдкорлик ишларига қўл уриб, шаҳар ободлигига бош бўлган. Шу даврда шаҳарнинг 2500 йиллиги кенг нишонланган, халқаро фестиваллар муваффақиятли ўтказилган. Тарихий обидалар таъмирланиб, туризм инфратузилмаси яхшиланган.

2007-2017-йилларда эса “20-трест” масъулияти чекланган жамияти раиси бўлиб ишлаган. 2020 йил февраль ойи охирида Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси сифатида иш бошлаганди.

Ҳали Бухоро ҳокими вазифасини бажаришга киришганига кўп бўлмаганди. Аммо, ишбилармон раҳбар қисқагина муддат ичида кўшни давлатлари Европа мамлакатлари инвесторлари билан ўлканинг ривожини учун сармоя кирита олди. Карим Камолов, нафақат, кексалар,

балки, Бухоро ёшлари қалбидан ҳам чуқур жой олганди. Зеро, у билан ўтган учрашувларда кечган самимий суҳбатлар, эмин-эркин мулоқотлар, кайфият улашадиган ёндашувлар бунинг ёрқин ифодасидир.

Карим Камолов бутун умрини меҳнатга бағишлаб, юртимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшди. Халқнинг сифатли яшаши, биноларнинг мустаҳкамлиги, кўчаларнинг кўркамлиги учун жон куйдирди. У давлат ва халқ олдидаги буюк хизматлари учун “Дўстлик”, “Меҳнат шухрати” орденлари билан мукофотланган.

- Бугун ҳеч бир фуқаронинг бепарво бўлишга, гафлатда қолишга ҳаққи йўқ...

Ишончимиз комилки, бу қийин ва синовли дамлар халқимизни янада бирлашишга, “СОВИД-19” деб номланган балою офатни баҳамжиҳатликда енгиб ўтишга даъват этмоқда,-деган эди у ўз сўзида.

Афсуски, бу офат уни ҳам аяб ўтирмади. У 65 ёшида вафот этди. Умрини аҳоли турмушини яхшилаш, саноат, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва қолган барча соҳани шакллантиришга бағишлаган марҳумнинг хотираси Бухоро аҳли қалбида мангу қолади.

Бухоро халқининг, ёшу қарисининг чексиз ҳурмати ва муҳаббатини қозона олди. Бутун умрини шу давлатнинг, шу жамиятнинг хизматига сафарбар қилган, халқ дарду-ташвишини ўз ташвиши деб билган Карим Камолов хотираси қалбларда барҳаёт.

Карим Камолов - Бухоронинг юраги эди. Бухоронинг виждони эди. Бухоронинг чинакам фарзанди эди.

Шу халқ учун, шу ўлка учун фидо бўлиб яшаган Карим Камоловнинг сўнгги манзили Ҳожа Имом Хафси Кабир Бухорий қабристони бўлди. Юрт ободлиги учун тўккан тери жаннат суви бўлсин, кафтларига инган тупроқ чаман очсин, гўрини нурларга тўлдирсин!

“КАТЮША”НИ КУЙЛАГАН ҲОКИМ



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг.

Жамол Носиров: сизга ҳозир жуда қимматли бир видео бераман.

Мен: о-ҳо, зўрку! ...жуда қимматми?

Жамол Носиров: Жуда қадрлиям...

2019 йил. Жамол Носировдан ушбу видео келиб тушиши билан Dafo.uz да: “Бухоро вилояти ҳокими ўқувчилар билан “Катюша” қўшиғини куйлади” (<http://dy.uz/ecLAQ>) сарлавҳаси остида видео-хабар эълон қилинди...

У онлар хотирага айланди. Видео ҳақиқатан йилларки, қиммат ва қадрли бўлиб келмоқда.

Бухоро ҳокими Ўктам Барноев 2019 йил айнан шу куни "Катюша"ни куйлаганди.

Ўктам Барноев халқини севарди!

КИТОБЛАР САЙЛИ:

V РЕСПУБЛИКА ҲАФТАЛИГИ

Халқимиз азалдан илм олиш, хунар эгаллашга иштиёқманд. Китобхонлиқни ривожлантириш, ёшларни мутлоага бўлган қизиқишини ошириш мақсадида самарали ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, 5 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган китобхонлик ҳафталиги бу йил ҳам мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Бухоро вилояти Ахборот-кутубхона марказида “Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори остидаги “V Республика Китобхонлик ҳафталиги” ташкил этилди. Ҳафталик доирасида республика миқёсидаги нашриётлар томонидан чоп этилган янги маҳаллий ва хорижий китоблар тақдими, китобсеварлар учун турли маҳорат дарслари, мутлоа тадбирлари, ёзувчи ва адиблар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, “Кутубхонамга китоб совға қиламан” акциялари ва бошқа қатор маънавий-маърифий, маданий дастурлар ўрин олди. Шунингдек, меҳмонлар учун кутубхона бўйлаб саёҳат ташкил қилиниб, АКМ сайтидан фойдаланиш ва электрон китобларни юклаб олиш бўйича тавсиялар берилди. Тадбирни “Zoom” платформаси орқали онлайн кузатиш имконияти яратилди.

ДЎСТЛИК НИШОНАСИ

Ҳафталик давомида дўстлик ва ҳамжи-ҳатлик белгиси сифатида “Ўзбекистон – Озарбайжон алоқалари архив фото ҳужжатларида” китоб-альбомининг тақдими ва “Ўзбекистон ва Озарбайжон икки қардош халқ” мавзусидаги архив ҳужжатлари кўргазмаси ўтказилди. Ушбу кўргазмада “Ўзархив” агентлиги ва Озарбайжон Миллий архив бошқармаси халқаро делегация вакиллари иштирок этдилар. Ҳужжатлар ва тарихий фотоархивлар орқали икки халқ ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарадорлиги ва мустақамлигини чуқурроқ англаш имконияти яратилди.

ҚАЛАМ ВА ҚАЛЪ СУҲБАТИ

Озодлик, маънавият ва илм учун курашган аждодларимиз амали ҳар бир ёш учун ибрат, демакдир. Жадидлар ҳаёт йўли ва



меҳнатларини ёдга олиш ниятида “Жадидлар миллий ўзлиги ва истиқлол гоёлари асосчиси” мавзусида суҳбат қурилди. Суҳбатда жадидчилик ҳаракати ва унинг асосий ижодкорлари ҳақидаги маълумотлар берилди. Жадидчиликнинг миллий ўзлиги ва истиқлол гоёларига қўшган ҳиссаси борасида сўз юритилди. Уларнинг амаллари ёшларга ўрнак бўлса, бугун кун қаҳрамонлари: ёзувчи ва шоирлар асарлари ва суҳбати интилиш ва имкониятлардан самарали фойдаланиш

иштиёқини беради. Айниқса, “Севимли ёзувчим билан учрашув” лойиҳаси доирасида ёзувчи Рўзимурод Маҳмуд, шоира Лайло Шарипова ва Инобат Очилова билан ўтган талабалар учрашувида ёзувчилар ўз ижодлари ва адабиётга бўлган муносабатларини фаол муҳокама қилдилар. Эндигина қалам тебратишни бошлаган ёш ижодкорлар шеърларидан намуна ўқиб беришди. Ёшлар устозларнинг муҳим ва керакли тавсияларига диққат билан қулоқ тутишди.

ТАБИАТГА ЭЪТИБОР КЕРАК

2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” муносабати билан Бухоро Давлат Университети талаба ва ўқитувчилари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. “Яшил” технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, кўкаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби устувор масалалар ҳақида фикр алмашилди.

Табиатни асраш ва атроф-муҳитга зиён етказмасликни тарғиб этувчи расмлар танлови ҳам ташкил этилди. Бунда “Чизгиларда сеҳрли олам” клуби аъзолари ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этишди. Улар она табиатнинг гўзаллигини ўз рассомлик кўникмалари орқали ифода этдилар. Фаол қатнашган ўқувчиларга АКМ маъмурияти томонидан эсдалик совғалари топширилди.

ЯНГИ КИТОБ-ЯНГИ ОЛАМ

Муаллифлик ҳуқуқи ҳар қандай ижодий касбнинг ажралмас қисмидир. Вилоят кутубхонасида “Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” номли адабиётларнинг очиқ кўргазмаси ташкил этди. Кўргазмада Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, шунингдек, ушбу соҳадаги муаммоли нуқталар, жумладан, сунъий интеллект томонидан яратилган асарларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги журналлардан мақолалар намоиш этилди. Барча китобларнинг мазмуни бутун инсониятни бирлаштиришга қаратилган. Шунингдек, ёзувчи Чингиз Айтматов ва Мухтор Шохоновлар қаламига мансуб “Чўққиди қолган овчининг охи-зори” китоби тақдими ўтказилди.

Жорий йилги китобхонлик ҳафталиги — китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёш авлоднинг маънавий камолотини таъминлаш ва ҳар бир инсонни китоб оламига яқинлаштиришга қаратилган мазмунан бой ва тарбиявий аҳамиятга эга тадбир сифатида ўтди. Бунда қатнашган ҳар бир ёш адабиёт ва китобларнинг жамият учун аҳамиятини янада чуқурроқ англади.

Зулфизар Мавлонова,
“ВУО” газетаси муҳбири.

БУЮКЛАР ДАВРИ ЎТИБ КЕТДИМИ?

ёки биз уларни тан олмаяпмизми?

Буюклар даври ўтиб кетган эмас. Улар бугун ҳам бор, фақат уларнинг йўналиши ўзгарган. Балки ҳозирги даврнинг Бобури тарих эмас, балки илм-фан оламида буюк ишлар қилаётгандир? Ёки янги Навоий адабиёт эмас, балки технология соҳасида инқилоб қилаётгандир? Имконият бор, эътибор бор, лекин муаммо шундаки, кўпчилик ундан фойдалана олмаяпти. Давлат ўз тизимидаги муаммоларни бартараф этаётганда одамларга халал берилмаса, ёшлар дангасаликка берилмасдан илм олишга интилишса, албатта, замонавий буюклар етиб чиқади. Фақат улар ўтмишдаги каби эмас, бугунги замон эҳтиёжларига мос равишда шаклланади.

Буюклар даври ўтиб кетди ёки биз уларни кўра олмаяпмизми? Балким, замон ўзгаргани, эҳтиёжлар бошқача шаклланганлиги ёки бундай шахсларни тарбиялашда етарлича эътибор қаратилмаётгани сабабми? Муаммо нимадалиги ва буюкларни етиштириш учун нима қилиш кераклиги ҳақида фикр юритишимиз мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир давр ўз эҳтиёжларига мос равишда буюк инсонларни етиштиради. Ўтган асрларда илм-фан ва адабиёт ривожини энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлган. Бугунги кунда технология, бизнес ва тиббиёт йўналишларига айланган. Бугунги кун буюк-

лари фалсафий асарлар эмас, балки илмий янгилар яратмоқда. Улар янги технологиялар билан инсониятга хизмат қилмоқда, тиббиётда инқилоб қилмоқда, экология ва муҳандислик соҳаларида оламшумул ишларини амалга оширмоқда. Албатта, бугунги кунда илм-фан ва таълим соҳасига эътибор берилмаётгани инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Давлат томонидан таълимни ривожлантириш, илмий ишланмаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни билимга йўналтириш учун турли дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Аммо, бу етарлими?

Муаммо эътиборнинг камлигида, сустеъмол қилинаётган имкониятларда ёки дангасаликдами? Буни ҳар ким ўз олдига савол қилиб қўйиши керак. Буюк сиймолар шунчаки туғилмайди, уларни етиштириш учун қулай шарт-шароит ва имконият керак, энг асосийси, илм орқали инсон нималарга эриша олишини, нималарга қодир бўлишини болаликдан ўқитиш керак.

Кўпинча, ёшлар берилган имкониятлардан фойдаланиш ўрнига дангасалик қилади. Ижтимоий тармоқлар, кўнгилхушлик, қизилқарсиз машғулотлар вақтни бекорга сарфлаш-



га сабаб бўлмоқда. Илгари билим олиш қийин бўлган бўлса, ҳозир интернет туфайли исталган маълумотга эга бўлиш мумкин. Аммо, ёшлар кўпинча уни илм олиш учун эмас, балки хуш-хандонлик учун ишлатади. Шу билан бирга, буюк шахслар етишиб чиқиши учун давлат ҳам етарли шароит яратиши керак. Гап ростдан ҳам таълим тизимидами? Аввал технологиялар бўлмаган, алоҳида таълим тизими бўлмаган, лекин буюклар бўлган. Баҳоналар, кимдир ёки нимандир қоралаш инсон табиатининг бўлаги аслида, фақат кўролмаган бир нарсаси бор, бу ҳам инсоннинг ўзидир. Бир файласуфнинг гапини шу ўринда эслаб ўтсак: “Сен ва сенинг орзуларинг ўртасида турғувчи ягона нарсаси бу сенинг ялқовлигингдир” давлат, ота-она, қўни-қўшни эмас, балки ялқовлигинг, дейилган.

Агар биз янги Навоий, Бобур ёки Ибн Синолар етишиб чиқишини истасак, дангасаликни бир четга сурган ҳолда таълим сифатини ошириш, ижод ва илм-фан эркинлигини таъминлаш, унга ажратилган маблағларни ошириш, илмий кадрларни рағбатлантирган ҳолда хорижга кетган иқтидорли ёшларимизни ўз диёримизга қайтаришимиз лозим. Энг муҳими, бу фикрларни фақат гапларда эмас, ҳаётимизда акс эттиришдир. Буюклик ҳақида орзу қилиш етарли эмас – биз уни ҳаракатларимиз билан исботлашимиз керак. Сўзлар вақт ўтиши билан унутилади, амалий ишлар тарихда қолади.

Шоҳида Нарзуллоева,
Бухоро давлат Педагогика
институтини 1-босқич талабаси.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

“Яқинда Бухоро шахрида катта бир дарахт аёвсиз кесиб ташланган. Аҳолининг ташвишли мурожаати келиб тушгач, инспекторларимиз воқеа жойига боришди. Қонунбузилиш содир этган шахс инспекторлар билан даҳанаки можарога киришган. Тиклаётган қурилишига дарахт халақит беришини, у дарахтни ўзи ўтқазиб, ўзи парваришлаб, катта қилганини, энди уни ўзи кесиб ташлашга ҳақи борлигини билдирган.

2025-йил, май, № 10-11

БУХОРО ЭКОЛОГИЯСИ

РИВОЖИДА ЁШ ВОЛОНТЁРЛАРНИНГ

ЎРНИ БЎЛАДИ



Агар ҳар бир дарахт экиб, уни бўйлан-тирган шахс шундай талқин қиладиган бўлса, бундай шахсларда виждон қолмабди. Тасаввур қилинг, фарзандни туққанман, деб, фарзандни ўлдираимизми эртага?! Дарахтни экибсиз, раҳмат, лекин у энди халқ мулкига айланади. Дарахт – бу тирик жон, уни кесиш – бу одам ўлдириш билан, кўчатни ўтқазиб, сугормаслик – фарзандни дунёга келтириб, эмизмаслик билан баробар. Ўша шахсга нисбатан 68 миллион сўм жарима қўлланилди. 1 та кесган, 6 тасини ноқонуний, етмаганига тажрибасизларча кўчирган. Бундайларга нисбатан қонун бўйича қанча қийматли жарима бўлса, унинг энг юқорисини қўллаш керак. Чунки шундай қилмасак, эртага бу билан курашиб бўлмайди...” - деди Бухоро вилояти Экология, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Жамол Носиров журналистлар билан ўтказилган матбуот анжуманида.


Жамол Носировнинг сўзига кўра, Бухорода ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони 276 тани, белгиланган жарима миқдори 1,1 миллиард сўмни, ўсимлик дунёсига етказилган зарар эса 874 миллион сўмни ташкил этган. Маълум бўлишича, вилоят ҳудудидаги давлат ўрмон фондига кирмайдиган жами 41 164 туп кўп йиллик дарахтлар хатлов қилинган. Келиб тушган 228 та аризаларда жами 81 982 та, шундан, 18 029 та қимматбаҳо навли давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни кесишга рухсат сўралган. Ушбу аризалар юзасидан жойида ўрганиш ишлари ўтказилганда, 140 та ҳолатда 59 591 туп дарахтларни кесиш рад этилган.

Билдирилишича, 2024 йилда 3066 та давлат экологик назорат тадбирлари амалга оширилган ва текширишларнинг 41 тасида 8 нафар мансабдор шахсларга нисбатан 2 489,880 миллион сўм жарима қўлланилган.

Табиатга етказилган зарар ва 844,302 миллион сўм компенсация тўловлари ҳисобланиб, суд ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилган.

- Тўғри, қуриган дарахтни кесишга рухсат берамиз, аммо ундан олдин дарахт лаборатория қилинади. Нима сабабдан қуригани ўрганилади? Дарахт нима сабабдан қуриydi? Агар у касалланса. Касалланган вақтида зараркундананинг олдини олмаган одам борми, жазосини олиши керак. Ишини ўтаб бўлган ва яна қандайдир сабаб билан рухсат берилади. Қуриган бўлса, айбдор топилади, жазоланади, кейин рухсат берилади. 2025 йилнинг I-чора-гида 889 нафар шахслар томонидан қонунбу-

қачон ва нима сабабдан қуриydi: касалланган вақтида зараркунданалар олдини олинмаган бўлса, агротехник хизмат кўрсатилмаган бўлса. Демак, дарахт кесиб ташланишидан аввал қуриган бўлса, айбдор топилади, қонун доирасида жазоланади ва кейин кесишга рухсат берилади. Дарахтларни қасддан қуришти ҳолатлари кўп кузатилади. Бизга эса буларни аниқлашда, сиз, журналистларнинг кўмагингиз керак. Биз учун сизларсиз ишлаш қийин! Ҳа, яна бир масала: Бухоро экологияси ривожидида ёш волонтерлар ўрни бўлак. Бугунги кунда ёш волонтерлар гуруҳлари фаолияти тизимли йўлга қўйилмоқда, -деди бошқарма бошлиғи ўз сўзида.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

зилиш ҳолатлари юзага келтирилди. Уларга нисбатан 1 178,0 сўм маъмурий жарима ва 501,384 миллион сўм табиатга етказилган зарарлар ҳисобланди. Минг афсуски, айрим одамлар томонидан қасддан ва атайин химикатлар сепиб, туппа-тузук, ям-яшил турган дарахтлар қуриштиляпти. Гўёки бундайлар сугораётган киши бўлиб, ҳар кунни бир челақ, бир челақ ўсишга қарши восита ташлаб, қуришиб юборишгаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Қуриган дарахт олдин лаборатория текширувидан ўтказилиб, ҳолатига қараб, кейин кесишга рухсат берилади. Ўйлаб кўринг, дарахт

Маълум бўлишича, иқлими қуруқ ва шўрлик даражаси юқори Бухоро об-ҳавосининг ўзгаришида дарахтларни яширин ва қасддан кесиб ташлашлардан ташқари, йирик sanoat объектларининг ҳам “улуши” ошмоқда. Вилоятда атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатувчи йирик sanoat объектлар 376 тани ташкил этади. Таҳлилларга кўра, транспорт воситалари ҳамда sanoat ишлаб чиқариш корхоналаридан 81,310 минг тонна, шундан 52,205 минг тоннаси транспорт воситалари ва 29,105 минг тоннаси sanoat корхоналари томонидан зарарли ташламалар ташланган.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши олдини олиш бўйича 16 та йирик sanoat корхонасида 36 дона чанг-газларни ушлаб қолувчи филтёрлар ўрнатилиши ва модернизация қилиниши натижасида 365,5 тонна ташламалар ташланишининг олди олинган. Соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузган 3066 нафар шахслар аниқланган бўлиб, қонунбузарларга нисбатан 3 миллиард 576,2 миллион сўм маъмурий жарима ва 1 миллиард 327,354 миллион сўм табиатга етказилган зарарлар ҳисобланган. Шунингдек, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони 1337 тани, белгиланган жарима миқдори 326 миллион сўмни ташкил этган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Табиатни зарарлаш оқибатлари келажак учун зиён эканини тушуниб етмаётган шахслар – жамиятнинг оғриқли нуқтаси бўлиб қолмоқда. Сув объектларини муҳофаза қилиш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони 135 тани, Ер ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони 35 тани, Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони 43 тани ташкил этади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Минг афсуски, бизнинг ҳам имкониятимиз чекланган. Қайси маънода: битта туман мисолида айтадиган бўлсак, 4 нафар инспектор қайси бир манзилни бориб кўришга улгуради. Жуда катта ҳудудларимиз бор. Бу ҳудудлар чўл ва овуллар билан тугташиб кетган. Аммо, биз ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар бир ҳолатга тезкор “реакция” кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир “сигнал”га ўз вақтида жавоб бериб, ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўямиз. Бундан кейин Бухорода ҳеч қандай ноқонуний ҳолат ёки ноқонуний дарахт кесишлар юзага келмайди, -деди Жамол Носиров.

Маълумот ўрнида: Бухорода “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йил баҳор ва куз мавсумида 17 миллион 868 минг 910 туп дарахт экилган. Бухоро тумани ҳудудида 43 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи ташкил этилган. Жондор туманидан ўтувчи М-37 йўлининг адирлиқдан иборат муҳофаза зонасида 21 гектар майдонда яшил боғ барпо қилинган. 10 миллион 401 минг туп дарахт ва бута кўчатлари экилган. 130 та йирик sanoat корхонаси атрофида 547,920 минг дона дарахт кўчатлари экилиб, “Яшил белбоғ”лар барпо этилган.

“ЗАМОН ҚАҲРАМОНЛАРИ”

ҲАР БИР ЁШНИНГ ЮТУҒИ ОРТИДА ТАРИХ ЁТАДИ



Бухоро вилояти Ёшлар ишлари бошқармаси томонидан йўлга қўйилган “Замон қаҳрамонлари” дея номланган янги лойиҳа орқали ҳаётда ўз ўрнини топган, иқтидор ва ташаббуси билан бошқаларга ўрнак бўлаётган ёшлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу лойиҳанинг мақсади — турли соҳаларда муваффақият қозонган, жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган ёшларни кенг жамоатчиликка танитиш, шу билан бирга, ҳаёт синовларига қарамай орзу ва мақсадларидан қайтмаган, қўлаб-қувватлашга муҳтож ёшлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилишдир.

Бугунги қаҳрамонимиз — Рўзи Боймуродов. Унга берилган имконият ва кўрсатилган ёрдамни тўлиқ оқлаб, намунавий ёшлардан бирига айланмоқда. Рўзи асарларичилик соҳасида

пухта билим ва кўникамага эга бўлиб, бугунги кунда меҳнати орқали нафақат ўзи, балки оиласи учун ҳам барқарор даромад манбаини яратишга эришди.

Бу каби лойиҳалар ёшларда ишонч, фаоллик ва ташаббускорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир ёшнинг ютуғи ортида бир тарих, бир фидокорлик, бир изланиш ётади. Биз эса ана шу тарихларни ёритиш ва янада кўпроқ ёшларга илҳом бахш этишни мақсад қилганмиз.

Видеолавҳани QR орқали кўринг.

ИШОНЧ – НАТИЖА БЕРАДИ!

Юртимизда спорт, нафақат, жисмоний чиниқиш, балки инсонпарварлик ва ҳамжиҳатлик мактаби экани ҳар кун ишботини топмоқда.



Бухоро вилоятидаги Спорт курашлари ассоциацияси ижрочи директори, юнон-рум кураши бўйича мураббий Жамшид Зарфуллаев фидойи инсонлардан. У, нафақат, ўз шогирдларини, балки бошқа спорт турлари ва имконияти чекланган спортчиларни ҳам қўллаб-қувватлаш орқали спорт жамиятида из қолдирмоқда.

2024 йилнинг охирида Пара taekwon-do мураббийи Зарифа Бобоева ўзининг шогирдлари билан машғулот ўтказиш учун спорт залига муҳтож бўлганида, Жамшид Зарфуллаев биринчилардан бўлиб, қўмакка қўл чўзган.

Зарифа Бобоева ўз шогирдлари билан ушбу тажрибали мураббий залидан фойдаланишни бошлади. Улар учун алоҳида вақт ажратилди, барча шароит яратилди. Энг муҳими, – бу спортчилар орасида имконияти чекланганлар ҳам бор эди. Аммо, уларни ҳеч ким “бошқачароқ” деб қарамади, камситмади. Зарфуллаев ва унинг жамоаси бу ёшларни самимийлик билан қабул қилди. Уларга “бошқаларники” деб эмас,

балки умумий келажагимиз, умумий спорт ҳаракати ва ифтихоримиз, деб қарашди.

Бу инсонпарварликнинг амалий самараси ҳам узоқ куттирмади. Зарифанинг шогирдлари орасида қисқа фурсат ичида вилоят чемпионлари, Ўзбекистон чемпионлари етишиб чиқди. Ҳатто, жаҳон чемпионатида иштирок этган спортчилар ҳам пайдо бўлди.

Бу эзгу ишларда яна бир фаол иштирокчи бор — Миллий гвардиянинг Бухоро вилояти бўйича бошқармаси батальон командири ўринбосари Айбек Садиқов. У ҳам ушбу спортчиларга муносиб шарт-шароит яратишда амалий ёрдам бериб, уларга машғулот ўтказиш, ривожланиш ва мусобақаларга тайёргарлик кўриш учун барча имкониятларни яратиб беришда ҳисса қўшди.

- *Агар шундай яхши инсонлар бўлмаганида, балки шогирдларим имконият топа олмасди. Улар бизга, нафақат, зал, балки ишонч беришди. Ўша ишонч орқали биз натижаларга эришдик*, - дейди Зарифа Бобоева.

ИНСПЕКТОР БЕШ ЁШЛИ БОЛАНИНГ ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

– Болам, болам, боламга ёрдам беринглар. У ўлиб қоляпти..., – кекса онахоннинг жонҳолатдаги қичқириғини эшитган одамлар унга қараб шошишди. Бироқ, онахоннинг ёрдам сўрашлари зое кетди. Атрофда 20 дан ортиқ киши тўпланган бўлса-да, тутқаноғи тутиб, ҳушини йўқотган болага ҳеч ким яқинлашмади.



Айни шу пайтда Вобкент туманидаги Теракли маҳалласи ҳудудидан ўтиб кетаётган профилактика инспектори одамлар тўплангани ва бақир-чақир бўлаётганини кўриб, зудлик билан хизмат машинасидан тушиб, тўда ичига ўзини уради. Кекса онахоннинг бағрида ҳушсиз ётган 5 ёшар болани шошилишда кўтариб, хизмат машинаси билан шу ҳудуддаги 1-сонли оилавий поликлиникага олиб борди.

Тиббиёт ходимлари томонидан болага тезкор ёрдам кўрсатилган. Тиббий муолажалар орқали бола ўз ҳушига келтирилган. Бир неча соатдан сўнг эса бола оёққа турган.

“Неварам қўлимда жон талвасасида эди. Қўрқиб қолганимдан

шу қадар бақириб ёрдам сўрадим, бир пастда атрофимни йигирмадан ортиқ одамлар ўраб олишди. Аммо, ҳеч бири ёрдам бермади. Ақалли, қўл учини теккизиш тугул, “Тез ёрдам”гаям кўнгироқ қилишмади. Шу топда инспектор бола келиб қолди-да, ўйлаб ҳам турмай, неварамни даст кўтариб, машинасига қараб югурди. Бизга инспектор боламни Худо етказди. Бориға шукур. Кам бўлмасин. Неварамнинг ҳаётини сақлаб қолди. Дилим огриган жойи: одамлар тўпланишди-ю, томошабин бўлиб туришди. Агар шу ерда ош ёки бошқа егулик тарқатишаётган бўлишса, ўқдек отилишарди. Менинг гўдаккинам эса жон талашаётганди...”, – деди ўқсиб онахон.

Савол беринг – жавоб берамиз

“ОНАМ ВАФОТ ЭТДИ, МЕНДАН ВАСИЯТИНИ ЯШИРИШГАН...”

Савол: *Васиятнома расмийлаштириш тартиби ҳақида тушунча берсангиз?*

Нозима Икромова,
Бухоро шаҳри.

Жавоб: Васиятноманинг матни васият қилувчи томонидан ёзилиб, нотариусга шахсан тақдим этилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани тасдиқлаб беришда васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинмайди. Васиятнома ёзилган жойи, санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим. Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши, фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилиши шарт.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига кўра, нотариус ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабабларини кўрсатган ҳолда, васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Бундай ҳолатда, нотариус Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1128-моддасига асосан, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқарога мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмуни, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслигини тушунтиради ва бу ҳақда васиятнома матнида қайд этади.



Савол: *Онам вафот этди. Васият қолдирган эканлар, буни менга айтишмаган эди, шу васиятномани ўқишимнинг иложи борми?*

Аъзам Абдуллаев,
Пешкў тумани.

Жавоб: Васиятнома мавжуд ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотлар нотариус томонидан фақат унинг меросхўрларига ва васият олувчиларига берилади. Бунинг учун онангизнинг вафот этганлиги ҳақидаги ҳужжат ва қонуний меросхўр эканлигинингизни тасдиқловчи туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва паспортингиз билан мурожаат этишингиз мумкин.

Савол: *Васиятномани бекор қилиш тартиби қандай?*

Инобат Набиева,
Бухоро тумани.

Жавоб: Нотариус томонидан васият қилувчининг васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги аризаси нотариал шаҳодатлантирилиши керак. Нотариус васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза олган тақдирда васиятноманинг нотариусда сақланаётган нусхасига белги қўяди ва Тизимга бу хусусда маълумот киритади. Васият қилувчи ўзида сақланаётган васиятнома нусхасини тақдим этган тақдирда, васиятноманинг ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида бу нусхага ҳам ёзиб қўйилади. Васият қилувчи исталган вақтда васиятномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақида хоҳлаган нотариал идорага мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда нотариус васиятномага ўзгартириш киритилганлиги ёки уни бекор қилинганлиги тўғрисида тизимга маълумот киритади.


Саволларга Бухоро шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Дурдона Тўраева жавоб берди.

17 ЁШЛИ БОЛА ҚИМОР ЎЙНАБ, ЎЗИНИ ОСИБ, КУТИЛМАГАН БИР ХАТ ҚОЛДИРИБ КЕТДИ

Жавлон исмли йигит ўзини осиб қўйди. 2008 йилда туғилган бу боланинг қолдирган хати ҳаммани “шок”ка солди. Хатни ўқиб, унинг отаси ҳам ўзини осиб қўйди. Боланинг онаси хатни очиб ўқиганида унда шундай сўзлар ёзилган экан:

“Она... кечиринг, сизни азобга солдим. Дада кечиринг, сиз истагандек ўғил бўлолмадим. Дада, нега мени ўзимни ҳаётимда яшашга қўймадингиз? Нега доим кимларгадир ўхшашимни истадингиз. Сиз доим пул ҳақида ўйлайсиз, мени яхши кўрмайсиз! Мен пул топиш учун қимор ўйнадим. Сиз доимо менга ўрناк қилиб келадиган Мурод аканинг ўғлига ўхшаб, телефон орқали кўп пул топмоқчи эдим. Афсуски, бор пулимизни йўқотдим. Буни билиб қолсангиз, яна миннат қиласиз, яна устимдан куласиз, яна палончига ўхшасанг бўлмайдими, дейсиз. Мен бундай яшашни истамайман. Дадамга Мурод аканинг ўғлидек ўғил керак бўлса, менга унинг отасидек мақтайдиган, қўллаб-қувватлайдиган ота керак эди. Менинг ўлигим тасодиф эмас... бу сизнинг “нега қўшининг ўғлидек бўлмайсан?” деган гапларингиз оқибати. Хайр”

Онаси ёлғиз ўғлидан қолган бу хатни очиб ўқиганда, йигидан сув бўлиб кетди. Отаси оқариб кетди, қўллари титраб, овоз чиқара олмади. Хонадан чиқиб кетди.



Отаси оқариб кетди, қўллари титраб, овоз чиқара олмади. Хонадан чиқиб кетди. Ҳамма унинг ортидан қўрқиб чиқиб қараса, у маҳалла четидидаги дарахтга ўзини осиб қўйган эди.

Ҳамма унинг ортидан қўрқиб чиқиб қараса, у маҳалла четидидаги дарахтга ўзини осиб қўйган эди. Қўлида кичик қоғоз бор эди: “Жавлон, кечир мени... сен ҳақ эдинг!” Бу эса отанинг бу дунёда ёзган охириги сўзлари эди. Ҳадисларда келтириладики: “Аллоҳ сизларга фарзандларингиз орасида адолатли бўлишингизни буюради”

(Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)

Бу ҳадислардан шундай хулоса чиқара оламизки, фарзандни бировнинг боласига таққослаб, уларни бир-биридан афзал ёки кам, деб ҳисоблаш ёмон, чунки ҳар бир фарзанднинг ўз хусусиятлари, истаклари ва эҳтиёжлари бор. Ота-она уларга бирдек муҳаббат ва эҳтиром кўрсатиши керак.

XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Buxoro jadidchilik harakatlariga maʼlum darajada xayrixohlik bildirgan, hamkorlik qilib, ularning goylarini, ayniqsa vatanparvarlik, maʼrifatparvarlik harakatlarini qʻllab-quvvatlagan shoir, ʻezuvchi va boʻshqa qalamkashlar ikki yuzga yaqin bʻlgan. Mazkur davrda Buxoro amirligida Mirzo Sodiq Munshiy, Mirzo Ato, Muḥammad Nishotiy, Мужрим Обид, Сўфихўжа Сўфий, Бебок, Возех, Савдо, Музтариб, Исо Махдум Бухорий, Muḥammad Siddiq Ҳайрат, Абдурахмон Тамкин, Саḥбо, Яъкуб ибн Дониёл Бухорий, Мулла Ибодулла ва Мулла Muḥammad Шариф, Muḥammad Олим Бухорий, Mirzo Абдулазим Сомий Бўстоний каби шоир ва тарихчилар ижод қилишган.

Замоннинг ижтимоий иллатларини, амиру амалдорларнинг адолатсизликларини ўз ижодларида кескин танқид қилган Қори Раҳматуллоҳ Возех, Шамсиддин Шохин, Аҳмад Дониш, Абдуқодир-хожа Савдолар орасида миллатимиз ойдинларидан Mirzo Ҳайит Саḥбо ҳам бор эди.

Тошкент давлат Педагогика университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Шавкат Бобожоновнинг «Хабар.uz»-га билдиришича, шоирнинг исми шарифи Mirzo Ҳайит, «Саḥбо» эса тахаллусидир.

“Саḥбо” қизил май маъносини билдиради. Mirzo Ҳайит Саḥбо Бухоронинг Вобкент туманида таваллуд топиб, Бухорога ўқишга келади. Афзал Пирматий Саḥбога қуйидагича таъриф беради: «У шундай мард кишики, ниҳоятда донишманд, ўта хушмуомала, ҳиммати олий, марҳамати баланд, парҳезкор, ниҳоятда тетик, ақли, шеършунослик ва байтшуносликда тенги йўқ, табиати нозик, зеҳни ўтқир, шеърлари гоят гўзал, сўзлари фасоҳатли... девони мукаммал... асарлари оммага мақбул ва манзур... Шеърининг таъбири ва таҳрири бениҳоя нозик, ранг-баранг, туркий ва тожикча ғазаллари мазмунан ниҳоятда ҳўб, қофиялари бениҳоя марғуб...» Саḥбо мадраса хатмидан олдинроқ Абдулаҳад Кармана ҳокими бўлган давридаёқ унинг дарборига ишга олиб, турли кичик мансаблар тортиқ қилинади. Эҳтимол, валиаҳд шахзода ва Саḥбони шеърга, адабиётга меҳр яқинлаштиргандир. Ҳар ҳолда уларнинг ўзаро муносабатлари жуда яхши бўлган. Абдулаҳад Саḥбонинг мард ва танглигини, салоҳиятини қадрлаган»,-дейди Шавкат Бобожонов.

Тарихга кўра, Саḥбо Бухоро адабий муҳитининг раҳнамоларидан бири бўлган Латифжон Махдум хонадонидagi шоир ва фозил кишилар суҳбатларида иштирок этиб турган. У мувашшах шаклидаги 40 та шеърининг 8 тасини ўзбек тилида ёзган. Мувашшах арабча “вашшах” - “камар”, “белбоғич” сўзидан олинган бўлиб, «бўйни боғланган» маънони англатар экан. Маълумки, мувашшах шеърнинг ҳар бир мисра, байт ёхуд бандининг бошланиш ҳарфларидан бирор нарса ёки шахснинг номи келиб чиқади. Мувашшахлар қитъа, рубоий, муаммо, ғазал, мусаммат каби турли жанрлар шаклларида яратилган. Шоир 3 та мувашшахдан ташқари, 37 та мувашшоҳга ўз тахаллусини ёзиб қолдирган. Шоирнинг 35 та

АМИР ТОМОНИДАН ФОЖИАЛИ ТАРЗДА ҚАТЛ ҚИЛИНГАН БУХОРОЛИК ШОИР

мувашшаҳи ғазал шаклида, 5 таси эса Muḥammad шаклида ёзилган. Mirzo Ҳайит Саḥбо ўзининг мувашшаҳини 5 киши номи билан тузган. Биринчиси, Абдулқодир (Абдулқодир махдум мадрасаси муаллими), иккинчиси, Кулижон (Mirzo Мустафоқули, Мулло Бўрибойнинг ўғли), учинчиси, Очилди (Мулло очилди, мулла Байё ўғли), тўртинчиси, Очилди (Қабадиённинг терига ишлов берувчи устаси) ва бешинчиси Мансур (Қабадиён қозиси). Уларнинг ҳар бири Бухорода ҳам, Қабадиёнда ҳам катта обрўга эга бўлишган.

Шавкат Бобожоновнинг таъкидлашича, Абдулаҳадхон Бухорога амир бўлгандан сўнг ҳам уни ўз дарборида эшик оғаси, мирзолик, муншилиқ мансаби ва тўқсаболиқ унвонларини берган. Лекин, Саḥбо амир дарборидан ҳеч қандай маош олмай, қашшоқликда яшаган. Бошқа амалдорлардек халқ ҳисобидан бойлик тўплаш, халқни талаш қабилардан анча узоқ турган.

“1908 йилнинг 23 октябрида Абдувоҳид Мунзим Бухорода Садриддин Айний билан Саллоҳхона гузарига жойлашган ҳовлисининг меҳмонхонасида ташкил этган янги усул мактаби Остонақул қўшбеги томонидан ўтказиладиган йиғилишлардан бирида Бурҳониддин раис томонидан бидъат ва ҳаромдир, дея танқид қилинган. Бухоро бош миришаби Мирза Саḥбо мажлисда қатнаша туриб, «ушбу мактаб мусулмон болалари учун лозим ва фойдалидир. Буни ёппоқ, исломга хиёнат ва мусулмон болалари ҳақида жиноятдир. Мен умид қиламанким, бу ишга жасорат қилмасангиз керак»,- дея раисга қарши чиққан. Саḥбо ҳамма вақт амирнинг дарборидаги амалдорларни бўрилар тўдасига ўхшатади. Ҳатто, амирнинг ўзи ҳам мамлакат ободонлигига аҳамият бермаётганини, айш-ишратдан бош кўтаролмаётганини, амалдорлар бундан фойдаланиб, халқни талаётганларини, амир сардорлари бўлган чет эл (Россия) мансабдорларнинг малайи эканлигини ўзининг ҳажвий шеърларида гоҳ очик, гоҳида яширин бир суратда баён қилади»,- дейди Шавкат Бобожонов.

Mirzo Ҳайит Саḥбонинг ҳажвий асарлари ва унинг маърифатли хислатлари, ҳақўйлиги амирга ҳеч ёқмаган. Амир Олимхон даврида Саḥбога пастроқ мансаб берилган. Дарбордан ҳайдалган ва шаҳар рўди (Шахруд)нинг мирибоблиги мансабига тайинланган.

“Чунки мирибоблар сувларни пулдорларга сотиш билан кун кўрар эдилар, уларга ҳеч қандай маош тўланмаган. Лекин, Саḥбо қанчалик қашшоқликда яшаса ҳам, обфурушлиқ қилмаган. Деҳқонларга ҳақиқатдан юзасидан сувларни



уларнинг ерларига навбати билан баробар тақсимлаган. Халқ ундан рози бўлиб, унинг обрўси кундан-кунга ошаверган. Бу аҳволни билмай, амир ўз ўчини ололмай, икки йилдан кейин уни бу ишдан ҳам олиб, шаҳар миришаблиги, яъни шаҳар полиция маҳкамаси бошлиғи вазифасига тайинлаган. Миришаблиқ мансаби мирибобликдан ҳам баттар бўлган. Чунки, агар мирро деҳқонлардан пора олиб, сувни фақат пулдорларга берадиган бўлса, миришаб ўғрилар ва киссавурларнинг ҳисобидан ўз маишатини ўтказган ва улар билан шериклик қилиб, уларни жазоламаган. Саḥбо эса бу ишда ҳам камоли поклик билан хизмат қилиб, уйидаги тамоми ортиқча ашёларини сотиб, қашшоқда кун кўра бошлаган. Аммо, ўғри ва киссавурлар билан ҳеч бир шерикчилик қилмаган, уларни агар хоҳласалар насихат қилиб, бу ноҳўя ҳаром ишлардан қайтаришга ундаган. Шаҳарда ўғри ва киссавурлар, қиморбозлар анча камайган. Амирга пешкаш юбормаган. Чунки, пешкаш юбориш учун мурдор, ноҳўя ишларга қўл уриши керак, дегани бўлган. Унинг миришабли даврида шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқ халқлари осуда ҳаёт кечира бошлашган. Ўғрилиқ ҳодисалари тамомила камайган”,- дейди суҳбатдош.

Маълум бўлишича, шоир шаҳар кўчаларида кечқурунлари фонарлар ўрнатган. Шаҳарнинг оддий аҳолисини навбат билан ўз кўчаларини қоровуллик қилишга ундаган.

Амир бу ишдан ҳам шоирдан ўз ўчини ололмасдан кейин уни бутун ишлардан бўшатиб, кичик амалдор вазифасига тайинлаган. 1915 йилда шаҳар миришаблар маҳкамаси бошлигининг буйруғига биноан, унга газета ўқиш таъқиқланган. Кейинчалик, хонанишинлик (уй қамоғи)

га олинган. Саḥбо хонанишинлик вақтида амир ва унинг дарборининг порахўрлиги, ҳарому-ҳариш ишларни қилганликлари учун уларни ўз ҳажвий шеърлари билан танқид қила бошлаган.

“Шоир ёрдан мурувват кутаркан, гоҳ-гоҳ замоннинг бевафолигидан, халқ орасидан инсоф, меҳр-шафқат кўтарилганидан нолийди. “Сен улусдан, эй кўнгул, меҳру муҳаббат излама”, деб ёзади,”жабру зулм билан Саḥбонинг аҳволи фано” бўлганлигини маълум қилади. Латифжон Махдум ўз тазкирасида шоир ҳақида шундай деб ёзади:

Очик айтар эрди ҳақиқат сўзин,
Улуғ каттанинг қилмас эрди юзин.

Ҳақиқатни, ҳатто, шоҳ олдида ҳам

Мудом айтар эди, емай асло ғам.

“Императорлик сиёсий агенти гумашталари ҳам Саḥбо каби ҳур фикрли кишилардан қўрқар эдилар. Улар 1915 йилда амир ва қўшбеги мамлакатидagi амир сиёсатига ва Россиянинг Бухоро ишларига аралашувини танқид қилаётган кишиларни чақириб улардан тилхат олиш, уларни қаттиқ назорат остига қилиш буюрдилар. Шундай тилхат Саḥбодан ҳам олинди”,-сўзлайди суҳбатдош.

Россия элчихонаси вакиллари, ҳатто, Саḥбони чақириб, у билан суҳбатлашишган. У ўз сўзида Бухоро халқининг қашшоқлигига, унинг норозилигига биринчи Бухорода ўз ҳукмини ўтказаетган Россия ва унинг гумаштаси бўлган амир сабабчи эканликларини баралла, қўрқмасдан айтган.

“Очикдан-очик кесиш, сўйишлар, салгина шубҳалик бўлган кишиларга “ур-йикитлар” бошланди. Қон билан маст бўлган амир ҳукмати икки-уч ҳафтанинг ичида фақат жадидлар ва ёш бухороликлар

билангина эмас, балким Оврупо таҳсилни кўрган, газета ўқидирган ва шу сабабли ўзига қарши ва тескари ҳаракатчи бўлиб кўринган бутун кишилар билан ҳисоблашди. Ҳаммасини жазолади, улар билан ваҳшийларча ишлар қилди. Мана шу сўйиш ва кесишлар вақтида жадидлар ва ёш бухороликлардан ҳамма, уларга xayrixoh бўлганлардан жамъиси 1500 киши дунёдан ўтказилди. Ўлдирилганлар ичида амирнинг амалдорларидан жуда кўп кишилар бордир. Улардан, аynиқса, машхуриклари орасида Мирза Мустафо, Насруллобек (17 кишилиқ оиласи билан), Мирзо Аҳмадбек (ўғли билан), ҳожи Закариё Азимов, Ҳожи Дотҳо, Исомқул Тўқсабо, Қози Абдусамад, Қози Саиджонлар қаторида Мирзо Саḥбо ҳам бор эди”,-дейди Шавкат Бобожонов.

1917 йил апрель воқеаларидан кейин Саḥбо Арк обхонасида амир фармони билан қамалган. Бир неча ойдан кейин амир фармони билан Қабадиёнга сургун қилинган. Колесов воқеаларидан кейин ўша ерда 1918 йилда фожиона қатл этилган. Садриддин Айний унинг «янгилик ва ҳақўйлик қурбони» бўлганлигини таъкидлаган. Даставвал, Саḥбони Мири Кубодиён қалъаси девори остида тошбўрон қилиб ўлдирилган, сўнгра маҳаллий ҳоким Muḥammad Раҳимбек буйруғи билан жасадини отнинг думига боғлаб, эчкига айлан-тириб, Хўжағозён тоғи этагига олиб боришган. Айтишларича, амир уни кўмишга қўймаган. Юқори Ғузорлик кекса Мулло Мухторнинг айтишича, марҳум шоирнинг қонга беланиб, озиб кетган жасадини баъзи меҳрибон ва художўй кишилар олиб келиб, Қиёт Кубодиён қабристонига яширинча дафн этишган. Шоирнинг қабри Қиётян қишлоғидан икки километр узоқликда жойлашган. Ўша даврдаги дахшатли вазиятда шоирни дафн этишга ҳамма ҳам журъат эта олмаган.

1920-1924 йилларда Бухоро шахрининг Лаби ҳовуз даҳаси Истемур маҳалласидagi шоир яшаган кўча Саḥбо номи билан юритилган. 1980 йилда Саḥбонинг ўз қўли билан кўчирилган жами 550 туркий ва форсий шеърлардан иборат девони топилган.

“Саḥбо қатл этилган Қўбадиён ҳозирги кунда Тожикистон Республикаси Хатлон вилоятига тўғри келади. Халқимизнинг ғурурли фарзандига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, унинг қабрини танитиб, ободонлаштиришга мажбурмиз. Чунки озодлик ва таълим йўлида шахид бўлган ʻezувчи, олим, атоқли давлат арбобининг қабри зиёратгоҳга айлантириш ҳам қарз, ҳам фарздор”,-дейди Шавкат Бобожонов.

Суҳбатдош: Лайло

НУРАГАН ДЕВОРДЕК тузилди кунгил

Тахририятга “Бу менинг шеърларим. Илтимос, газетангизга чоп этсангиз”, деб келадиганлар ёки мактуб йўлайдиганлар талай. Ижод намуналари шеър қоидаларига жавоб берса ёритамиз, йўқса, узримизни сўраймиз.

Камронбек эса ҳеч қачон қайсидир Тахририят эшигига шеърларини кўтариб бормаган. Газеталарнинг ўзи ёш шоирни излаб топган: ҳақиқий ижодкорнинг ёзганлари шунга муносиб. Камронбек Исмоилов – мусофирдаги шоир йигит. Икки йилча аввал газетамизнинг сонларидан бирида у билан суҳбатни газетхонлар билан бўлишгандик. У аввало, ўзининг хонанда Жалолиддин Аҳмадалиев томонидан куйланган “Жанонима” кўшиги билан танилди. Савол туғилади: шеър – кўшиқчини машҳур қиладими ёки кўшиқчи шоирними? Қайсики, пойдевор мустаҳкам бўлса, иморат бутун бўлади. Демак, шеърнинг сўзи, сўзнинг тиги устун ва бўлакча. Шоир йигитнинг шеърлари жуда кўп санъаткорлар томонидан куйга солинмоқда. Бу шоирнинг устунлигини яна бир карра исботлади. Келинг, бу гал ҳам Аллоҳ томонидан иқтидор билан сийланган, табиатан шоир дўстимизнинг шеърий сатрларига юзланамиз.

МУСОФИР ЮРТЛАРДА БИЛИНАР ЭКАН

Ногаҳон текканда қисматнинг зарби,
Кўксинг ҳам анордек тилинар экан.
Сен учун дард чеккан Онангнинг қадри –
Мусофир юртларда билинар экан.

Бир сўз демоқликка тополмай журъат,
Қўлингга кўз ёшдан сарғайган суърат,
Топганинг аламу, тўкканинг ҳасрат –
Мусофир юртларда билинар экан.

Ўзингни алдайсан ташвишинг йўқдек,
Бир бурда нонингга қорнинг ҳам тўқдек,
Кўксингга қадалган соғинчлар ўқдек –
Мусофир юртларда билинар экан.

Кўз юмсанг, тунлари тушингда меҳмон,
Жуссаси эгилган, қалтираган жон,
Тўрғайлар сайрамай, Онанг ёпган нон –
Мусофир юртларда билинар экан.

Қадоқ кафтларида капкирнинг изи,
Машҳур ошпазда йўқ отангнинг диди,
Паловга босилган беҳининг ҳиди –
Мусофир юртларда билинар экан.

Ўйлаганинг сари, ўртанар юрак,
Рўзгорнинг ташвиши, ишлашинг керак,
Дардингни тушунмас, ўзингдан бўлак –
Мусофир юртларда билинар экан.

Ўралиб минг хаёл, минг бир ташвишга,
Бемор ҳолингга ҳам борасан ишга,
Оғриқдан тишингни босганинг тишга –
Мусофир юртларда билинар экан.

Бу ҳаёт бошингга не савдо солди,
Тумандек қопланар кўзингни олди,
Уйингга кетишга жуда оз қолди –
Мусофир юртларда билинар экан.

Онангнинг зорланиб туриши алам,
Беморман тезроқ кел, деганда болам,
Ҳақиқий чин муслим, Ўзбеклигинг ҳам –
Мусофир юртларда билинар экан.

Ногаҳон текканда қисматнинг зарби,
Кўксинг ҳам анордек тилинар экан.
Сен учун дард чеккан Онангнинг қадри –
Мусофир юртларда билинар экан.

ХАТОЛАР ҚИЛДИМ

Ишқингни тафтида куйган дилимни,
Сенгамас, ўзгага фидолар қилдим.
Нураган девордек тўкилди кўнглинг,
Хатолар кетидан, хатолар қилдим.

Ёлғон оғушида ўтмоқда умрим,
Бирисин опа, деб бирисин синглим,
Бир бора кўнглингга қаролмай гулим,
Хатолар кетидан, хатолар қилдим.

Чидайсан тишларинг босганча тишга,
Кўмилиб минг хаёл, минг бир ташвишга,
Мен-чи, мен, ишониб ёлғончи тушга,
Хатолар кетидан, хатолар қилдим.

Сўнгимни ўйласам, кетаман чўчиб,
Яшабман бир дунё гуноҳни кучиб,
Маккора гўзаллар макрига учиб,
Хатолар кетидан, хатолар қилдим.

Тинглай олармисан, сўнгги сўзимни,
Кўксимдан итармай кет, деб ўзимни,
Қабул қилармисан энди узримни,
Хатолар кетидан, хатолар қилдим.

Йигитлик сўзим бу, ёлғонмас ишон,
Ёш жоним бўлмасин қарғишга нишон,
Кўксимни куйдирад сўнгги пушаймон,
Хатолар кетидан, хатолар қилдим.

Ичимдан узилиб кўнглининг тори,
Ўзимга келтирди боламнинг зори,
Эрта ёққан бошга надомат қори,
Хатолар кетидан, хатолар қилдим.

Ўзингдан ҳалол йўқ, ҳалолим билсанг,
Рухим таскин топар қаршимда турсанг,
Аллоҳ учун сизни кечирдим десанг,
Хатолар кетидан, хатолар қилдим.

Ишқингнинг тафтида куйган дилимни,
Сенгамас, ўзгага фидолар қилдим.
Нураган девордек тўкилди кўнглинг,
Хатолар кетидан, хатолар қилдим.

Камронбек Исмоилов

КЕТАВЕР

Оҳларим сенга етмас,
Дардларим биров билмас,
Кучганим тикон гулмас,
Кетавер, ялинмайман.

Сени севай ўлгунча,
То паймонам тўлгунча,
Қиёматда кўргунча,
Кетавер, ялинмайман.

Юрагим ўзи дардманд,
Армоним бўйдан баланд,
Бердингу-я, сен ҳам панд,
Кетавер, ялинмайман.

Ортингдан қарайман жим,
Сўзламоққа йўқ кучим,
Бахт тилаш менинг бурчим,
Кетавер, ялинмайман.

Тўхта, десам бўлмайди-да,
Ўрурим йўл қўймайди-да,
Лекин, севгим ўлмайди-да,
Кетавер, ялинмайман.

Бахт тилайман сен қизга,
Юрагим қўйиб музга,
Раҳминг ҳеч келмай бизга,
Кетавер, ялинмайман.

Нима бўлсам, ўзим бўлай,
Ишқим йўлида ўлай,
Бахтли бўл, бир бор кўрай,
Кетавер, ялинмайман.

Кўз қамаштирган чиройи,
Сен фалак моҳи, ойи,
Мен Худо эркатойи,
Кетавер, ялинмайман.

Ниҳол

ОТА-ОНА ТОПИЛМАЙДИ

Яхши бўлсанг, ризқ эшиги ёпилмайди,
Яхши инсон мол-дунёга сотилмайди.
Бу дунёда улфат кўпдир, бисёр дилдор,
Аммо, ота-она ҳаргиз топилмайди.

Улар учун омон бўлсанг – шу етади,
Йўқловингдан ғамлари ариб кетади.
Ота-она бошин букар нодон фарзанд,
Оқил фарзанд уларни эъзоз этади.

Дуосидан қалбингга куч кўчар, билсанг,
Ёлғиз қолса, суратингни кучар, билсанг.
Ҳар бир марра, ғалабангга ҳиссаси бор,
Ҳар бир эзгу тилагингга яшар, билсанг.

Ризосидан қаддингни тик айла, дўстим,
Хизматига мудом ўзни шайла, дўстим.
Бу дунёда улфат кўпдир, бисёр дилдор,
Ота-она кетса, қайтмас қайта, дўстим!

Ҳусан Ҳақимов,

Когон шаҳридаги 4-умумий ўрта
таълим мактаби
10-синф ўқувчиси, “Нилуфар” адабий
тўғарага аъзоси.

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIIR HAY'ATI:

Shavkat Rahmonov
Baxtiyor Adilov
Mirshod Ochilov
Dilshod Yo'ldoshev
Jamol Nosirov
Mirali Hamroyev

TAHRIIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 “Agrobank”
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta “Photo Express” XICH ofset
usulida 1407 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:
Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 21.05.2025 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga buling.